

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРОВ БАХТИЁР СУВОНОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТОБЕЛИГИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ  
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по психологическим  
наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
psychological Sciences**

**Шукуров Бахтиёр Сувонович**

Талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик омиллар ва  
уни бартараф этиш йўллари.....3

**Шукуров Бахтиёр Сувонович**

Психологические факторы, вызывающие интернет-зависимость у студентов, и  
способы ее преодоления .....23

**Shukurov Baxtiyor Suvonovich**

Psychological factors that cause Internet addiction in students and ways to overcome  
it.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРОВ БАХТИЁР СУВОНОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТОБЕЛИГИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ  
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/P104 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Расулов Абдимўмин Ибрагимович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Камилова Нодира Гайратовна**  
психология фанлари доктори, доцент

**Мелибаева Роза Носировна**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ф.А.Акрамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., доцент

**Н.Б.Атабаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Т.Нишанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда юқори ахборот технологияларсиз ҳамда интернет тармоғисиз мамлакатлар тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда интернет тармоқларининг инсоният кундалик ҳаётига таъсири янада ортиб бормоқда. Жумладан, 2022 йилда интернет хизматлари бўйича дунёда етакчилик қилиб келаётган йирик «Cloudflare com», «Alexa.com» компаниялар томонидан ўтказилган статистик таҳлил натижаларида бир ой мобайнидагина энг кўп фойдаланиладиган сайтлар рўйхати маълумотлариг кўра интернетдан фойдаланувчилар сони 4,95 миллиард, яъни дунё аҳолисининг 62,5 % интернетдан фойдаланиб келиши аниқланди ва 16% ёшлар орасида виртуал оламга тобелик даражасининг юқорилиги қайд этилган<sup>1</sup>. Бу борада ёшлар ўртасида интернетга тобеликнинг олдини олиш, уларда виртуал олам маълумотлари билан адекват ишлаш малакаларини шакллантириш, интернетга тобе бўлишга олиб келувчи психологик омилларни аниқлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий муассасаларида ёшларни виртуал олам таъсирларидан асраш, уларда пайдо бўлган интернетга тобеликни эрта бартараф этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини оширишда психологик фаровонликни таъминлаш, бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, салбий ахборотлар оқимиغا нисбатан компетенцияларини ошириш, интернет тармоғидан тўғри фойдалана олиш малакаларини шакллантиришга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада интернетнинг шахс психологик, ижтимоий, маданий, ахлоқий хусусиятларига таъсири этиш омилларини аниқлаш, талаба ёшларда самарали ўқув фаолиятини ва интернет билан оқилона ишлай олиш қобилиятларини қарор топтиришда фанлараро интеграцияни кучайтириш, интернетдан оқилона фойдаланишга хизмат қилувчи ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва психологик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишиши соҳасида қатор туб ислохотлар амалга оширилиб, зарур ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида<sup>2</sup> «Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш», «Ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш...» вазифалари белгиланганлиги ёшларни интернет тобелигини келтириб чиқарувчи омиллардан ҳимоя қилиш орқали уларни интеллектуал ривожлантириш масалаларини илмий ўрганишда етарли асос бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 14 августдаги ПФ-3907-сон «Ёшларни

<sup>1</sup> [https://tech.liga.net/technology/Most visited sites in, year 2021](https://tech.liga.net/technology/Most%20visited%20sites%20in%20year%202021)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ–60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январь.

маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 2 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонларида ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли вазифа ва чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз психолог олимларидан Н.М.Долимова, Л.А.Нигматулина, И.И.Рахимова ва бошқалар тобе хулқ муаммоси ва интернетга тобеликни, ўзбек миллий муҳитида ўсмирларнинг компьютер ўйинларига тобелигини диагностика қилиш ва коррекциясини, компьютерга тобеликнинг шахс характерологик хусусиятларига таъсири масалаларини тадқиқ этишган. Лекин талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик омилларни аниқлаш ҳамда уни бартараф этиш йўллари муаммоси илмий ўрганилмаган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан Ю.И.Алексеева, О.Н.Арестова, Л.Н.Бабинина, Е.П.Белинская, А.В.Гоголева, А.Ю.Егоров, А.Е.Жичкина, Н.В.Коритникова, В.А.Лоскутова, М.И.Розенова, Г.У.Солдатова, Э.Р.Фаустова ва бошқаларнинг ишларида талабалар ҳаётида компьютернинг роли, интернетга тобе талабаларнинг характерологик хусусиятлари, аддиктив хулқ профилактикаси, интернетга тобе шахслар ва уларнинг психологик саломатлиги, XXI аср интернетга қарамлик патологияси, интернетдан фойдаланишнинг мотивлари, интернет-тобеликнинг ижтимоий ва ижтимоий-психологик омиллари каби масалаларни тадқиқ этишган.

Хориж тадқиқотчиларидан A.Goldberg, J.Grohol, D.Greenfield, M.Griffiths, R.Davis, D.Cuss, K.Montage, J.Morehen-Martin, K.Rodgers, K.Surrat, T.Troyer, G.Ferraro, A.Hull, S.Cheng, N.A.Shapira, J.Shaffer, K.Yang ва бошқалар томонидан интернетга тобеликни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг турлари, интернетга қарамликни аниқлаш, интернетга тобелик ва унинг профилактикасига оид илмий изланишлар олиб борилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ХТ-Ф2-025 «Педагогик кадрларни тайёрлаш бўйича психологик-

педагогик диагностика назарияси ва амалиётини такомиллаштириш стратегияси» мавзуси доирасида бажарилган. (2007–2011 йй.)

**Тадқиқотнинг мақсади** талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик омилларни аниқлаш ҳамда уни бартараф этиш йўлларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

интернетга тобеликнинг аддиктив хулқ сифатидаги мазмун-моҳиятини аниқлаштириш;

талабаларда интернетга тобеликни келтириб чиқарувчи психологик омилларни ва намоён бўлиш шарт-шароитларини эмпирик тадқиқ этиш;

талабаларда интернетга тобеликнинг юзага келишининг психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

талабаларда интернет тобелигини бартараф этишни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик омилларни аниқлаш жараёни танланган бўлиб, Навоий давлат педагогика институти инглиз тили ва адабиёти, биология, тарих ва мусиқа йўналиши талабаларидан жами 320 нафари респондентни ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети** талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик омиллар ва уни бартараф этиш йўллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда анкета, кузатиш методлари, В.Лоскутованинг «Интернетга қарамликни ўрганиш» сўровномаси, А.Жичкина ва Э.А.Щепилиналарнинг интернетга бўлган муносабатни аниқлаш бўйича «Тугалланмаган жумлалар методикаси», А.Жичкинанинг «Интернетга қарамлик кўламини аниқлаш» сўровномаси, С.А.Кулаковнинг «Интернет-тобелик» тести ва Кемберли Янгнинг «Интернетга муносабатни ўрганиш» сўровномаларидан фойдаланилди. Олинган натижаларининг статистик ишонччилик даражаси математик-статистик методларидан Стъудентнинг-т мезони ва Пирсоннинг  $r_p$ -корреляция коэффициенти орқали тасдиқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи ўқув фаолиятидаги ижтимоий омиллар (муросасизлик, мулоқотдаги нокомпетентлик) таъсирида веб-сёрфингга агрессив мойилликнинг аутодеструктив кучайиши асосланиб, аддиктив хулқ намоён бўлишининг дифференциал фарқлари далилланган;

виртуал мулоқотнинг шахс психологиясига таъсири натижасида эмоционал беқарорликнинг фрустрацион толерантлик ва вақтни, фазони идрок қилиш кўникмасининг паст даражада намоён бўлиши асосида кучайишига кўра, талабалар аудиториясида интернетга қарамликнинг динамик тарзда ортиши асосланган;

маълумотларга саралаб, танқидий муносабат қилиш таъсирида интернетга мойилликнинг паст даражада бўлишига мувофиқ, «Мен»га нисбатан ички локус назорат, тафаккур сифатларини ривожланиши интернетга ҳаддан ортиқ

деструктив иштиёқни пасайтирганлиги сабабли, талабаларда виртуал оламдан унумли фойдаланиш кўникмасини шаклланганлиги далилланган;

талабаларда ахборот оқимига қарши кибериммунитетни шакллантириш учун психокоррекцион дастурларга шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш, вақтни рационал тақсимлаш, конструктив баҳо, тафаккур хусусиятларини ички локус назоратни кучайтиришга асосланиб, «рационал установкалар», «устувор кадриятлар» компонентларини бириктириш самарали эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

республика миқёсида, интернетга тобеликни бартараф этишда, олий ўқув юртлири талабаларини индивидуал-психологик жиҳатдан ўрганишга доир тест ва сўровномалар амалиётга олиб чиқилган;

талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи омиллар ва уни бартараф этиш усулларини такомиллаштириш орқали, улардаги тобе хулққа сабаб бўлувчи психологик омиллар ва тобелик кечишидаги юзага келган ўзгаришлар аниқланган;

олий ўқув юрти талабалари фаолиятида юзага келадиган интернетга тобеликни келтириб чиқарувчи омиллар ва уни бартараф этиш усулларини такомиллаштириш бўйича мумкин бўлган психодиагностик тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган ва амалий фаолиятда қўллаш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши жараёнида қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши ва тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, олинган амалий натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, жаҳон психологиясида тажрибалардан кўп маротаба ўтказилган тест ва сўровномалардан фойдаланилганлиги, олинган амалий натижалар назарий концептуал жиҳатдан ёритиб берилганлиги, амалий натижалар миқдорий кўрсаткичлар, яъни математик-статистик мезонларнинг ишончли методлари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, миқдорий кўрсаткичларни психологик таҳлил қилишда ишонччилик мезонларига таянилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олий ўқув юрти талабалари фаолиятида намоён бўлувчи интернетга тобелик ва уни бартараф этишга қаратилган назарий ҳамда амалий маълумотлар акс этган бўлиб, унда онтогенез психологияси, педагогик психология, консультатив психология, психодиагностика, психологик хизмат назарияси ва амалиёти, психологик хизмат ва психокоррекция, психологик тренинг амалиёти, девиант хулқ-атвор психологияси каби соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари тизимида психологик хизматни ташкил этишда, талаба ёшлар фаолиятида юзага келадиган интернетга тобеликни келтириб чиқарувчи психологик омиллар бартараф этишда, ўқув фаолиятида маънавий ва ақлий-интеллектуал жараёнларни ривожлантиришда самара беради, шунингдек, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялар асосида олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган психолог профессор-ўқитувчилар,



олий таълим муассасаси психологлари, психология соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган докторант ходимлар ҳамда бошқа амалиётчи психологлар кенг фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик омиллар ва уни бартараф этиш йўллари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи ўқув фаолиятидаги ижтимоий омиллар (муросасизлик, мулоқотдаги нокомпетентлик) таъсирида веб-сёрфингга агрессив мойилликнинг аутодеструктив кучайиши асосланиб, аддиктив хулқ намоён бўлишининг дифференциал фарқларини далиллашга доир натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-24-а-сонли буйруғи билан «Умумий психодиагностика» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги 4-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида талабаларда интернет тобелигига боғланиб қолишдан сақланишга нисбатан малака-кўникмаларни шакллантиришга эришилган;

виртуал мулоқотнинг шахс психологиясига таъсири натижасида эмоционал беқарорликнинг фрустрацион толерантлик ва вақтни, фазони идрок қилиш кўникмасининг паст даражада намоён бўлиши асосида кучайишига кўра, талабалар аудиториясида интернетга қарамликнинг динамик тарзда ортиши асосланганлигига оид натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-24-а-сонли буйруғи билан «Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги 4-сонли маълумотномаси). Бу эса, олий таълим муассасалари ўқитувчилари фаолиятининг услубий методик таъминотини бойитишга хизмат қилади;

маълумотларга саралаб, танқидий муносабат қилиш таъсирида интернетга мойилликнинг паст даражада бўлишига мувофиқ, «Мен»га нисбатан ички локус назорат, тафаккур сифатларини ривожланиши интернетга ҳаддан ортиқ деструктив иштиёқни пасайтирганлиги сабабли, талабаларда виртуал оламдан унумли фойдаланиш кўникмасини шаклланганлигининг далилланганлигига доир натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-24-а-сонли буйруғи билан «Ижтимоий психологик тренинг» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 14 апрелдаги 4-сонли маълумотномаси). Бу эса, интернет тобелигини аниқлашга мўлжалланган методикаларнинг илмий-амалий таъминотини оширишга хизмат қилади.

талабаларда ахборот оқимиغا қарши кибериммунитетни шакллантириш учун психокоррекцион дастурларга шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш, вақтни рационал тақсимлаш, конструктив баҳо, тафаккур хусусиятларини ички локус назоратни кучайтиришга асосланиб, «рационал установкалар», «устувор кадриятлар» компонентларини бириктириш самарали эканлиги асосланганлигига доир натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19 апрелдаги ПМ-24-а-сонли буйруғи билан «Консультатив психология ва психокоррекция»

модулига киритилган (Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 14 апрелдаги ПМ-4-сонли маълумотномаси). Натижада тингловчилар, амалиётчи психологлар фаолиятида талаба ёшларда вақтни тўғри идрок этиш, интернетнинг ижобий сифатларини кўра олмаслик, интернетга бутунлай қарам бўлиш, ортиқча иштиёқларнинг мавжудлиги каби салбий сифатларни меъёрлаштиришга хизмат қиладиган психогимнастик ва психокоррекцион машғулотлар базаси бойитилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ОАК тасарруфида 5 та хорижий, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, булардан 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, 10 та параграф, боблар бўйича қисқа хулосалар, умумий хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми иловаларсиз 126 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объектлари ва предметлари аниқланган, диссертациянинг мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган. Ишнинг инновацион ривожланиш вазирлигининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Интернет тобелигини психологияда ўрганишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган бўлиб, унда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик омиллар қўшма штатлар ва узоқ хориж давлатлари тадқиқотларида ўрганилганлик ҳолати келтирилган. Жумладан, интернет тобелиги муаммосини ўрганишнинг умумпсихологик масалалари, интернет тобелигини илмий ўрганишнинг психологик тадқиқотлардаги тавсифи назарий қарашлар асосида ёритиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Талабаларда интернет тобелигини бартараф этишнинг методологик жиҳатлари**»га бағишланган бўлиб, мазкур бобда талабаларда интернет тобелигини олдини олишга доир илмий ёндашувлар, талабаларда интернет тобелиги омилнинг психологик талқин қилиниши, талабаларда интернет тобелигини бартараф этишнинг психологик хусусиятлари, интернет тобелигини илмий текширишнинг психодиагностик имкониятлари ва талабаларда интернет тобелиги намоён бўлишининг шахс хусусиятларига таъсири каби хусусиятлар кўриб чиқилган.

Шунингдек, интернет тобелиги масаласига оид чет эл психологларининг назарий қарашларини тадқиқ этишнинг методологик жабҳалари таҳлилий материаллар асосида ёритиб берилган. Бундан ташқари талабаларда интернетга қарамликни бартараф қилувчи психологик омиллар илмий жиҳатдан асосланган ҳамда уни бартараф қилишнинг психологик жиҳатлари келтириб ўтилган.

«Талабаларда интернет тобелигини бартараф этишнинг амалий жиҳатларини ўрганиш натижалари» деб номланган диссертациянинг учинчи боби талабаларда интернет тобелигини ўлчашга имкон берувчи методикаларни тавсифлаш, талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик сифатлар, талабаларда интернетга қарамлик ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари ва талабаларда интернет тобелигини бартараф этишда психопрофилактик усуллардан фойдаланиш каби омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотимизда талабаларда интернет тобелик даражасининг психологик хусусиятлари ва уни бартараф этиш усулларини ўрганиш учун Анастасия Жичкина томонидан ишлаб чиқилган «Интернетга қарамлик кўламини аниқлаш» методикаси, В.Лоскутованинг «Интернетга қарамликни ўрганиш» сўровномаси ва А.Жичкина ва Э.А.Щепина томонидан ишлаб чиқилган «Тугалланмаган жумлалар» сўровномаси, С.А.Кулаковнинг «Интернет-тобелик» тести ва Кемберли Янгнинг «Интернетга муносабатни ўрганиш» каби сўровномалардан фойдаландик.

## 1-жадвал

### Интернетга қарамлик кўламини ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Стьудентнинг t-мезони бўйича)

Шкалалар	Гуруҳлар	М	t-статистика
интернетга мойил эмас	инглиз тили ва адабиёти	1,30	0,08**
	биология	1,78	
интернетга боғланиб қолган	инглиз тили ва адабиёти	1,64	0,003***
	биология	0,38	
интернетга бутунлай қарам	инглиз тили ва адабиёти	0,58	0,04**
	биология	0	

Талабаларда интернет тобелигини келтириб чиқарувчи психологик омиллар ва уни бартараф этиш усулларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, Навоий давлат педагогика институти инглиз тили ва адабиёти ҳамда биология йўналиши талабаларининг интернетга қарамлик кўламини аниқлаш сўровномасининг умумий ўртача кўрсаткичлари биринчи шкала бўйича, яъни интернетга мойил эмас мулоҳазаси талабаларда 1,30-1,78 натижани қайд этгани ва бу стандарт меъёр бўйича ўртача миқдорни қайд этгани намоён бўлди. Иккинчи шкала интернетга боғланиб қолиш шкаласи бўйича даражалари 1,64-0,38 нисбатни ташкил қилган. Бу шкала бўйича талабаларнинг олган натижалари сўровнома меъёрий кўрсаткичига кўра, қуйи натижани кўрсатган. Учинчи шкала, яъни интернетга бутунлай қарам бўйича олинган натижалар 0,58-0 ни ташкил қилган.

**2-жадвал**

**Интернетга қарамликни ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Стъудентнинг t-мезони бўйича)**

Шкалалар	Гуруҳлар	М	t-статистика
интернетдан деярли фойдаланмайди	инглиз тили ва адабиёти	0	0,08**
	биология	4	
доимий интернет фойдаланувчиси	инглиз тили ва адабиёти	8,80	0,05**
	биология	20,70	
ортиқча иштиёқ	инглиз тили ва адабиёти	46,34	0,04**
	биология	52,34	
интернетга тўлиқ қарам	инглиз тили ва адабиёти	29,58	0,003***
	биология	13,10	

Интернетга қарамликни ўрганишдан олинган натижалар инглиз тили ва адабиёти ҳамда биология йўналишида таҳсил олувчи талабаларда биринчи шкала бўйича интернетдан деярли фойдаланмаслик 0-4 кийматдаги даражани кўрсатган. Бу шкаладан кўринадики, талабаларда интернет тармоғидан фойдаланиш малака-кўникмалари шаклланган. Иккинчи шкала, яъни доимий интернет фойдаланувчиси бўйича натижалар 8,80-20,70 даражани ташкил қилган.

**3-жадвал**

**Тугалланмаган жумлалар сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Стъудентнинг t-мезони бўйича)**

Шкалалар	Гуруҳлар	М	t-статистика
интернетни умуман қабул қилиш	инглиз тили ва адабиёти	6,56	0,05**
	биология	5,54	
вақтни идрок этиш	инглиз тили ва адабиёти	1,52	0,016
	биология	1,48	
фазони идрок этиш	инглиз тили ва адабиёти	1,62	0,018
	биология	1,64	
интернетнинг ижобий хусусиятлари	инглиз тили ва адабиёти	3	0,04**
	биология	2,12	
интернетнинг салбий хусусиятлари	инглиз тили ва адабиёти	2,72	0,013
	биология	2,96	
интернетдаги одамлар	инглиз тили ва адабиёти	2,88	0,010
	биология	2,82	
интернетдаги маълумотлар	инглиз тили ва адабиёти	3	0,015
	биология	3,14	
мен интернетдаман	инглиз тили ва адабиёти	1,96	0,05**
	биология	2,94	

Кейинги шкала интернетга ортиқча иштиёқ бўйича олинган натижалар стандарт меъёрга кўра, 46,34-52,34 даражани қайд этган. Инглиз тили ва адабиёти ҳамда биология йўналиши талабалари ахборот оламидан фойдаланишда ўзларига тегишли маълумотлардан ва ортиқча вақтини сарфламаслигини ташкил қилган. Тўртинчи шкала интернетга тўлиқ қарамлилик бўйича талабаларнинг тўплаган натижалари 29,5813,10 ни ташкил қилган. Бу кўрсаткичда ҳам стандарт меъёрга кўра, талабаларнинг микдорий кўрсаткичлари қуйи нисбатни намоён қилган.

Инглиз тили ва адабиёти ҳамда биология йўналиши талабалари биринчи шкаладан интернетни умуман қабул қилиш бўйича олинган натижалари 6,56-5,54 ни ташкил қилган. Иккинчи шкала, яъни вақтни идрок этиш бўйича олган натижалари 1,52-1,48 натижани кўрсатганлиги ва бу натижадан талабаларнинг интернет ва ахборот тизимларидан фойдаланишида вақт билан боғлиқ вазиятларни ҳисобга олиш даражаси ўрта нисбатни ташкил қилганлигини кўриш мумкин.

Талабаларда ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда вақтни тўғри идрок этиш механизми шаклланганлигини акс эттиради. Учинчи шкала фазони идрок этиш 1,62-1,64 микдорни кўрсатганлиги ва бу қиймат талабаларда интернетнинг шахс ҳаётига кириб борган бўлсада, лекин шахснинг асосий қадриятларига айланиб улгурмаганлиги ва атроф-оламда кечаётган ҳодисаларни рационал равишда идрок этаётганлигини англатади.

Кейинги шкала интернетнинг ижобий хусусиятлари талабаларда 3-2,12 қийматни ташкил қилганлиги ва бу натижа интернет провайдери фақатгина шахснинг вақтини ўғирлаш, ўзига тортувчи жиҳат эмас, балки ундан оптимал даражада фойдаланиш ва натижада интернетнинг инсонга фойдали томонларини ҳам кўра олиш кўникмаси шаклланганлигини намоён қилган.

Навбатдаги шкала интернетнинг салбий хусусиятлари бўйича натижалар 2,72-2,96 ни ташкил қилган. Талабаларда интернет тизими ҳаммага ҳам бир хил таъсир қилавермаслиги ва интернетнинг ижобий жиҳати билан бир қаторда салбий томонлари ҳам бор эканлигини англаши билан белгиланади.

Олтинчи шкала интернетдаги шахслар бўйича натижалар 2,88-2,82 даражани қайд этган ва бу натижа интернет тизимида шахсга рационал установакаларни бериш билан бир қаторда иррационал установакаларни шакллантирувчи одамлар ҳам кўп эканлиги ва шунга ўлароқ фарқлаш қобилияти ўрта даражада ривожланганлиги билан изоҳланади.

Интернетдаги маълумотлар шкаласи бўйича талабаларнинг натижалари 3-3,14 қиймат билан ўртачадан юқорини намоён қилганлиги ва бу микдор ахборотларни қабул қилишда тўғри ва нотўғрига ажрата олиш имкониятлари борлигини англатади.

Охирги шкала мен интернетдаман фактори бўйича талабаларнинг даражалари 1,96-2,94 ни кўрсатганлиги ва бу натижа интернетдан бевосита фойдаланиши ва интернет тармоғининг имкониятларидан оптимал даражада фойдаланиши билан алоҳида характерланади.

**Интернетга қарамлик кўлами, интернетга тобелик ва тугалланмаган жумлалар сўровномалари даражасининг факторли анализ кўрсаткичлари**

Шкалалар	Факторлар				
	1	2	3	4	5
интернетга мойил эмас			-0,815		
интернетга боғланиб қолган			0,781		
интернетга бутунлай тобе				-0,506	
интернетдан деярли фойдаланмайди					
доимий интернет фойдаланувчиси				-0,582	
ортиқча иштиёқ		0,744			
интернетга тўлиқ тобе				0,549	
интернетни умуман қабул қилиш	0,722				
вақтни идрок этиш	0,695				
фазони идрок этиш					0,695
интернетнинг ижобий хусусиятлари	0,733				
интернетнинг салбий хусусиятлари	0,666				
интернетдаги одамлар	0,619				
интернетдаги маълумотлар	0,707				
мен интернетдаман	0,743				

Синалувчилар натижалари факторли анализ бўйича кўрсаткичлар 5 та компонентга бирлашди. Биринчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: интернетни умуман қабул қилиш 0,722, вақтни идрок этиш 0,695, интернетнинг ижобий хусусиятлари 0,733, интернетнинг салбий хусусиятлари 0,666, интернетдаги одамлар 0,619, интернетдаги маълумотлар 0,707 ва мен интернетдаман 0,743 каби натижалар билан ўзаро фарқланди.

Иккинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: ортиқча иштиёқ 0,744, интернетга тўлиқ қарам 0,519 ва интернетни умуман қабул қилиш 0,455 натижа билан алоҳида характерланади.

Учинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: интернетга мойил эмас 0,815, интернетга боғланиб қолган 0,781 ва интернетга тўлиқ қарам 0,459 даража билан қайд этилди.

Тўртинчи шкалани ташкил қилган психологик birlikлар: интернетга боғланиб қолган 0,491, интернетга бутунлай қарам 0,506, доимий интернет фойдаланувчиси 0,582 ва интернетга тўлиқ қарам 0,549 каби психологик хусусиятлар билан фарқланди.

## 5-жадвал

**Интернетга қарамлик кўлами ва интернетга тобелик даражалари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг корреляция коэффиценти бўйича)**

Интернетга мойил эмас	Интернетга боғланиб қолган	-0,789**
	Интернетдан деярли фойдаланмайди	0,373*
Интернетга бутунлай қарам	Доимий интернет фойдаланувчиси	0,455**
	Ортиқча иштиёқ	0,305*
Интернетдан деярли фойдаланмайди	Ортиқча иштиёқ	-0,306*
Доимий интернет фойдаланувчиси	Ортиқча иштиёқ	-0,447**
Ортиқча иштиёқ	Интернетга тўлиқ қарам	-0,677**

изоҳ: \*  $p \leq 0,05$ , \*\*  $p \leq 0,01$ .

Сўровномлари бўйича факторлар орасидаги корреляцион алоқалар кўпроқ интернетга мойил эмас факторлари билан, яъни интернетга боғланиб қолган ( $r=0,789$ ,  $p \leq 0,01$ ), интернетдан деярли фойдаланмайди ( $r=0,373$ ,  $p \leq 0,05$ ) факторлари билан, интернетга бутунлай қарам шкаласи доимий интернет

## 6-жадвал

**Тугалланмаган жумлалар сўровномаси ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг корреляция коэффиценти бўйича)**

Интернетни умуман қабул қилиш	Вақтни идрок этиш	0,380**
	Интернетнинг ижобий хусусиятлари	0,302*
	Интернетнинг салбий хусусиятлари	0,612**
	Интернетдаги одамлар	0,617**
	Интернетдаги маълумотлар	0,408**
	Мен интернетдаман	0,539**
Вақтни идрок этиш	Интернетнинг ижобий хусусиятлари	0,465**
	Интернетнинг салбий хусусиятлари	0,411**
	Интернетдаги одамлар	0,376**
	Интернетдаги маълумотлар	0,462**
	Мен интернетдаман	0,395**
Фазони идрок этиш	Мен интернетдаман	0,316*
Интернетнинг ижобий хусусиятлари	Интернетнинг салбий хусусиятлари	0,310*
	Интернетдаги одамлар	0,299*
	Интернетдаги маълумотлар	0,634**
	Мен интернетдаман	0,536**
Интернетнинг салбий хусусиятлари	Интернетдаги одамлар	0,609**
	Мен интернетдаман	0,468**
Интернетдаги одамлар	Мен интернетдаман	0,323*
Интернетдаги маълумотлар	Мен интернетдаман	0,473**

изоҳ: \*  $p \leq 0,05$ , \*\*  $p \leq 0,01$ .

фойдаланувчиси ( $r=0,455$ ,  $p\leq 0,01$ ), ортиқча иштиёқ ( $r=0,305$ ,  $p\leq 0,05$ ) факторлари билан, интернетдан деярли фойдаланмаслик шкаласи ортиқча иштиёқ ( $r=0,306$ ,  $p\leq 0,05$ ) факторлари билан, доимий интернет фойдаланувчиси шкаласи ортиқча иштиёқ ( $r=0,447$ ,  $p\leq 0,01$ ) факторлари билан, ортиқча иштиёқ шкаласи интернетга тўлиқ қарам ( $r=0,677$ ,  $p\leq 0,01$ ) факторлар орасида ўрта даражада корреляцион алоқалар кузатилаётганлигини кўриш мумкин. Талабаларнинг тугалланмаган жумлалар сўровномаси ўртасидаги ўзаро алоқадор факторлар орасидаги корреляцион алоқалар кўпроқ интернетни умуман қабул қилиш шкаласи вақтни идрок этиш ( $r=0,380$ ,  $p\leq 0,05$ ), интернетнинг ижобий хусусиятлари ( $r=0,302$ ,  $p\leq 0,05$ ), интернетнинг салбий хусусиятлари ( $r=0,612$ ,  $p\leq 0,01$ ), интернетдаги одамлар ( $r=0,617$ ,  $p\leq 0,01$ ), интернетдаги маълумотлар ( $r=0,408$ ,  $p\leq 0,01$ ), мен интернетдаман ( $r=0,539$ ,  $p\leq 0,01$ ) факторлари билан, вақтни идрок этиш шкаласи интернетнинг ижобий хусусиятлари ( $r=0,465$ ,  $p\leq 0,01$ ), интернетнинг салбий хусусиятлари ( $r=0,411$ ,  $p\leq 0,01$ ), интернетдаги одамлар ( $r=0,376$ ,  $p\leq 0,01$ ), интернетдаги маълумотлар ( $r=0,462$ ,  $p\leq 0,01$ ) ва мен интернетдаман ( $r=0,395$ ,  $p\leq 0,01$ ) факторлари билан, фазони идрок этиш шкаласи мен интернетдаман ( $r=0,316$ ,  $p\leq 0,05$ ) факторлари билан, интернетнинг ижобий хусусиятлари шкаласи интернетнинг салбий хусусиятлари ( $r=0,310$ ,  $p\leq 0,05$ ), интернетдаги одамлар ( $r=0,299$ ,  $p\leq 0,05$ ), интернетдаги маълумотлар ( $r=0,634$ ,  $p\leq 0,01$ ) ва мен интернетдаман ( $r=0,536$ ,  $p\leq 0,01$ ) факторлари билан, интернетнинг салбий хусусиятлари шкаласи интернетдаги одамлар ( $r=0,609$ ,  $p\leq 0,01$ ) ва мен интернетдаман ( $r=0,468$ ,  $p\leq 0,01$ ) факторлари билан, интернетдаги одамлар шкаласи мен интернетдаман ( $r=0,323$ ,  $p\leq 0,05$ ) факторлари билан, интернетдаги маълумотлар ( $r=0,473$ ,  $p\leq 0,01$ ) факторлар орасида юқори даражада корреляцион алоқаларга киришганлигини кўриш мумкин.

#### 7-жадвал

#### Интернет тобелигига мансублик кўрсаткичлари

Даражаси	X	$\sigma$	t
Юқори (n=16)	54,0	5,47	22,49***
Ўртача (n=175)	33,31	5,39	14,67***
Куйи (n=40)	23,37	1,25	11,390***

\*\*\* $p\leq 0,001$

Синалувчиларнинг ўртача кўрсаткичлари бўйича ҳар учала тоифалар ўртасида статистик тафовутлар кузатилди. Бундан кўринадики, интернетга юқори даражада тобе талабалар 16 нафарни ташкил этиб, уларнинг ўртача қийматлари 54,0 баллни ташкил этди. Ушбу балл кўрсаткичи интернетга юқори тобеликдаги талабалар ўртача тоифа билан ( $t=22,49$ ;  $p\leq 0,001$ ); куйи даражагилар билан ( $t=14,67$ ;  $p\leq 0,001$ ) тафовутланишга эга бўлди. Эмпирик кўрсаткичлар интернетга тобеликнинг ҳар бир даражаси ўзига хосликни акс эттирмоқда дейиш мумкин.



**Интернетга тобелиги юқори даражали талабаларнинг интернетга боғланиб қолишига сабаб бўлувчи омилларнинг ранжировкаси ва ўрни**

№	Омиллар	Ранжировка	Ўрин	Факторларнинг юклама коэффициентлари
1.	Кўпроқ нарсани ўрганиш иштиёқи интернетда боғланиб қолишига сабаб бўлган	4,06	1	0,818
2.	Одатдагидан кўпроқ маълумотга эга бўлиш истаги интернет тармоғида қолиб кетишига сабаб бўлади.	4,32	2	0,783
3.	Интернетга қолиб кетишининг асосий сабаби зарур материалларни топа олмаслик сабабидир.	4,88	3	0,766
4.	Интернетдан муаммолардан қочиш ёки ёмон кайфиятдан халос бўлиш учун фойдаланиш	5,57	4	0,575
5.	Муаммолардан таскин топишга хизмат қилувчи манбаларнинг кўплиги интернетда бўлиши асосларидан бири	6,61	5	0,528
6.	Интернетда узок вақт бўлишга зарурат ҳис қилиш	8,19	6	0,251
7.	Аниқ кундалик режага эга бўлмаганлиги сабабли интернетда бўлишни афзал ҳисоблаш	8,25	7	0,169
8.	Интернет асосий ҳаётий муаммолардан холи бўлишнинг энг мақбул жойи ҳисоблайди	8,38	8	0,168
9.	Маблағдан қийналса ҳам интернетга кириш имкониятини топиш	9,57	9	0,164
10.	Одамлар билан мулоқот қилишга қийналишдан туфайли	9,66	10	0,160
11.	Интернетдан ажратганда ўзини нохушлик ҳис қилиш ёки асабийлашиш	9,71	11	0,147
12.	Интернетдан ташқарида бўлганда ҳам интернет ҳақида ўйлайди	10,03	12	0,116
13.	Интернетдан ташқарида ўзида босим ёки беҳаловатлик ҳис қилади ва интернетга кириш иштиёқи жўш уради	10,07	13	0,069
14.	Интернет туфайли ўқишдан, ишдан ёки ўзаро муносабатлардан айрилиб қолса ҳам ундан фойдаланишга таваккал қилиш	10,24	14	0,047
